

Жума хутбасида дуо қилиш



05:30 / 29 ноябрь 5984

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам жумада хутба қилиб турганларида бир одам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, чорвалар ҳалок бўлди, йўллар кесилди. Аллоҳга дуо қилинг!» - деди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам дуо қилдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«У зот қўлларини кўтариб: «Аллоҳим! Бизга нажот (ёмғири) бер! Бизга нажот (ёмғири) бер! Бизга нажот (ёмғири) бер!» - дедилар. Жумадан жумагача ёмғирда қолишди. Шунда ҳалиги одам келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, уйлар йиқилди. Йўллар қирқилди. Чорвалар ҳалок бўлди», - деди.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳим! Тоғлар ва адирлар устига, водийлар ичига ва дарахтлар ўсадиган жойларга», - дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Аллоҳим! Атрофимизга, бизнинг устимизга эмас!» - дедилар. Ўшанда (булутлар) Мадинадан худди кийим ечилгандек суғурилиб кетди. Унинг атрофига ёға бошлади. Унга бир қатра ҳам ёғмай қўйди. Мадинага назар солсам, худди гул билан ўралган тошдек

бўлиб турган экан», – дейилган.

Бешовларидан Термизий ривоят қилмаган.

“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан